

Абдурахмонов Бахтиёржон Илхомович
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
мустақил изланувчиси
E.mail: mr_bakhty@inbox.ru



БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КОНВЕНЦИЯЛАРИ НОРМАЛАРИНИ МИЛЛИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА УЛАРНИ СУД ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциялари нормаларини миллий судлар томонидан қўлланилиши ва уларни суд ҳужжатларида акс эттиришнинг аҳамияти, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар, тизимдаги камчиликлар ҳамда уларнинг ҳал этилишидаги баъзи тавсиялар таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: инсон ҳуқуқлари, суд-ҳуқуқ тизими, одил судлов, конвенция нормалари, суд қарорлари, халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, рағбатлантириш ва уларга риоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да [1] қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон кадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш борасидаги асосий йўналиш ва мақсадлар сифатида қайд этилди.

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган. Булар жумласига



1966 йил 16 декабрдаги “Фуқаровий ва сиёсий хуқуқлар тұғрисидаги халқаро пакт” (1995 йил 31 август) [2], 1966 йил 16 декабрдаги “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тұғрисидаги халқаро пакт” (1995 йил 31 август) [3], 1979 йил 18 декабря Нью-Йоркда қабул қилинганды “Хотин-қызларни камситишнинг барча шаклларига бархам бериш тұғрисидаги Конвенция” (1995 йил 6 май) [4], 1989 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш Ассамблеясининг 44-сессияси қабул қылган “Бола хуқуқлари тұғрисидаги Конвенция” (1992 йил 9 декабрь) [5], 1965 йил 21 декабрдаги “Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиши тұғрисидаги Халқаро конвенция” (1995 йил 31 август) [6], 1984 йил 10 декабрдаги “Қийноқларга солишига ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция” (1995 йил 31 август) [7] ва бошқа халқаро хужжатларни қўшиш мумкин.

Сўнгги йилларда хукумат томонидан суд-хуқук соҳасини янада демократлаштириш, Конституция устуворлиги, қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилик, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнида тортишув тамойилларини татбиқ этиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, «Хабеас корпус» институтини кенгайтириш бўйича чоратадбирлар мажмуи қабул қилинди.

Суд-хуқук соҳасидаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш учун жуда муҳим ҳисобланади. Суд тизими фаолияти БМТнинг инсон хуқуқлари бўйича қўмиталари томонидан батафсил ўрганиб чиқилиб, улар томонидан даврий ҳисботларини кўриб чиқиши натижалари юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, БМТнинг тегишли қўмиталари суд қарорларида конвенциялар хақида бирон бир ҳавола йўқлиги, конвенция қоидаларини миллий судлар томонидан камдан-кам ҳолларда тўғридан-тўғри қўлланилиши, миллий судлар томонидан суд хужжатларида конвенциялар нормаларига асосланиш бўйича чоралар кўриш зарурлигига эътибор қаратишмоқда.



БМТ конвенциялари нормаларини миллий судлар томонидан қўлланилиши ва уларни суд хужжатларида акс эттириш процессуал қонунчилик нуқтаи назаридан қуидагиларга йўналтирилиши мумкин:

- миллий қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш;
- миллий қонунчилик нормаларининг умумэътироф этилган халқаро хукуқ тамойиллари ва нормаларига, шу жумладан, БМТ конвенциялари қоидаларига мувофиқлигини кўрсатиш;
- миллий хукуқ нормалари халқаро хукуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларига зид бўлган ҳолларда унинг маъносини тушунириш;
- низо бўйича асослашни халқаро-хукукий манбаларга ҳавола қилиш орқали мустаҳкамлаш.[8]

Ҳозирги кунда айрим судлар, масалан, иқтисодий судлар “Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги Конвенция” (1958 йилги Нью-Йорк конвенцияси) қоидаларини қўллашмоқда [9]. Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва жиноят ишлари бўйича судлар ўзаро хукукий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар нормаларини қўллашлари мумкин. Улар орасида энг кўп қўлланиладигани “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича хукукий ёрдам ва хукукий муносабатлар тўғрисидаги конвенция” (1993 йил 22 январдаги Минск конвенцияси ҳамда 2002 йил 7 октябрдаги Кишинёв Конвенцияси)дир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси 1954 йил 1 мартда қабул қилинган Фуқаролик процесси масалалари тўғрисидаги Гаага конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланади. Ушбу ҳолатда гап ўзаро хукукий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги халқаро шартномалар ҳақида кетаётганлигини таъкидлаш лозим. Бироқ, ушбу халқаро шартномалар процессуал характерга эга ва фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича турли мамлакатларнинг адлия органлари томонидан хукукий ёрдам кўрсатиш бўйича муносабатларни тартибга солади, холос.

Судлар томонидан БМТ конвенциялари қоидаларини қўллаш ва уларни суд хужжатларида акс эттириш механизmlарини амалиётга жорий этишга тўсқинлик қилаётган асосий муаммо бу – судлар томонидан БМТ конвенциялари нормаларини



қўллаш ва уларни суд хужжатларида акс эттириш методологиясининг мавжуд эмаслиги ҳамда судлар томонидан БМТ конвенциялари қоидаларини қўллаш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг мукаммал эмаслигига кўринмоқда. Бундан ташқари, суд тизимида Ўзбекистон Республикаси қўшилган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциялари қоидаларининг бажарилишини мониторинг қилиш функцияси мавжуд эмас.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миллий судлар томонидан халқаро конвенциялар нормаларини қўллаш ва уларни суд хужжатларида тўлақонли акс эттириш чораларини кўриш зарурати инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш жараёнидаги бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда судлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

- [1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони (2022 йил 28 январь ПФ-60-сон) (электрон манба) <https://lex.uz/docs/5841063> ҳаволада келтирилган.
- [2] 1966 йил 16 декабрдаги «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори. 1995 йил 31 август, 127-I-сон. (электрон манба) <https://lex.uz/uz/docs/2639574> ҳаволада келтирилган.
- [3] 1966 йил 16 декабрдаги «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори. 1995 йил 31 август, 126-I-сон. (электрон манба) <https://lex.uz/docs/2678869> ҳаволада келтирилган.
- [4] Ўзбекистон Республикасининг 1979 йил 18 декабря Нью-Йоркда қабул қилинган «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори. 1995 йил 6 май, 87-I-сон. (электрон манба) <https://lex.uz/docs/2678973> ҳаволада келтирилган.
- [5] «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори. 1992 йил 9 декабрь, 757-XII-сон. (электрон манба) <https://lex.uz/docs/135679> ҳаволада келтирилган.
- [6] 1965 йил 21 декабрдаги «Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори. 1995 йил 31 август, 126-I-сон. (электрон манба) <https://lex.uz/docs/2650264> ҳаволада келтирилган.
- [7] 1984 йил 10 декабрдаги «Қўйноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори. 1995 йил 31 август, 130-I-сон. (электрон манба) <https://lex.uz/docs/2650044> ҳаволада келтирилган.
- [8] Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан халқаро конвенциялар нормаларининг қўлланилиши. Амалий семинар материаллари тўплами. – Тошкент, 2020. – Б.42.
- [9] Ўша манба. – Б.23.